

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 17 сентябрь, № 183 (4846)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон Ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза Ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини 21 сентябрьга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон муслмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча муассасалар ва жамоат ташкилотлари Рамазон Ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 сентябрь

ЕВРОПАДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУАССАСАСИ РАҲБАРЛИНИНГ ЎЗБЕКISTONGA ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Ғарб оммавий ахборот воситаларида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)-нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Я. Ленарчичнинг Ўзбекистонга ташрифи яқунлари ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, хабарларда ЕХХТ вакилининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислохотларга баҳо берган муносабати келтирилади: "Биз ЕХХТга аъзо давлат сифатида сўнгги вақтда Ўзбекистонда, хусусан, мабусларни қамоқда сақлаш шароитларининг яхшиланиши борасида олиб борилган тadbирларни, бир қанча ҳуқуқ ҳимоячиларининг озодликка чиқарилиши, шунингдек, ўлим жазосининг бекор қилиниши каби эришилган ютуқларни мамнуният билан эътироф этамиз.

Бўлиб ўтган музокараларда ҳар иккала томоннинг ҳам Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига муносиблигини мустақамлаш ишида келгусида биргаликда фаолият олиб боришга тайёр экани аниқ намоён бўлди".

Шунингдек, хабарларда Я. Ленарчичнинг жорий йилнинг декабрь ойига мўлжалланган парламент сайловларида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасасининг

кузатувчи сифатида иштирок этиш форматини белгилаш учун муассаса стандарт миссияси юборишга тайёр эканини билдирган фикрлари ўз аксини топган.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакат расмий вакиллари билан учрашиб, қонунчилик ижоди жараёнини яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунларни такомиллаштириш, одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ишларини олиш борисҳ каби жабҳаларда ўз ташкилотининг ёрдам кўрсатиши таклифини илгари сургани ташкидланади.

Жумладан, Европа ОАВнинг хабарларида берилишича, Я. Ленарчич ўзи бошқараётган муассаса фуқаролари жамиятининг фаолияти учун янада яхшироқ шароитлар яратиб беришда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини изҳор этди.

«Жаҳон» АА.
Париж

БАРКАМОЛ ЁШЛАР МАСКАНИ



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Истиқлол йилларида ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларнинг илму ҳунар эгаллаши, ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун бугун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши келажагимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши навқирон авлод ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди.



Қарши шаҳрида қад ростлаган «Ёшлар маркази» ҳам буюк келажақни кўзлаган ўғил-қизлар учун бунёд этилган. Ҳозирги кунда ушбу даргоҳ ўсиб бораётган авлоднинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Бу бежиз эмас, албатта. Марказда деярли ҳар кун турли йўналишдаги тadbирлар бўлиб ўтмоқда. Бу ерда ташкил этилган тўғарак ва ўқув курслари, ўз фаолиятини яқинда бошлаган «Ёш оилалар маркази» ижтисодиётлари кўпайиб бормоқда. Ўз сафига қарийб 300 минг нафар ёшларни бирлаштираётган «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими ҳар бир дақиқа ёшлар учун самарали ва мазмунли ўтишига ҳаракат қилаётди. Масалан, бу ерда ташкил этилган «Ёш шоирлар клуби», тикувчилик тўғариги ҳам ҳаммиса ёшлар билан гавжум. Энг асосийси, марказда барча тоифадаги йигит-қизлар ўз имкониятларини синнашлари учун барча шароитлар яратилган.

Интилиш

Аъзам АЛИҚУЛОВ.

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛАРИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

«SamAuto» заводида «SamAuto LE 60» автобусининг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, хорижий ҳамкорлар билан тенг манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилиши натижасида автомобилсозлик соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришилаётди.

Таъкидлаш жоизки, яқинда Самарқандда ўзбек автомобилсозлигининг ёрқин саҳифаларини очибга хиз-

мат қилувчи янги корхонанинг ишга туширилиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги катта воқеалардан бири бўлди. Гап шундаки, Германиялик ҳамкорлар билан ташкил этилган мазкур «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси «MAN» компаниялар гурҳунинг МДХ давлатларидаги «MAN» юк машинала-

рини саноат миқёсида йиғишни амалга оширувчи биринчи ва ягона корхона ҳисобланади.

Маълумки, автомобилсозлик дунёнинг санокли мамлакатларидаги гина йўлга қўйилган. Улар орасидан Ўзбекистон ҳам сифатли ва илҳам автомашиналари билан муносиб ўрин эгаллаган. Мазкур тармоқнинг йилдан-йилга ри-

вожланиб бораётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор юксалишида, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада яхшиланишида муҳим омил бўлаётти. Бунга «SamAuto» очик акциядорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.

Корхонада 2006 йилда «Isuzu» русумли минибуслар ва юк машиналари тайёрлана бошлаган эди. Шундан буён бу ерда олти турдаги шундай автоуловларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхона ихтирочилари янги турдаги машиналар

(Давоми 2-бетда).

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳаётининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Б. Парпиев бошқарган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан солиқ тизимини янада яхшироқ қилишга юқлатилган вазифаларнинг бажарилиши борасида жорий йилнинг август ойида амалга оширилган ишлар танқидий сарҳисоб қилиниб, тўғрисида олийлик муваффақиятли яқунлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг август ойида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушулмаларни таъминлашдаги камчиликлар танқидий муҳокама қилинди. Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва

Корақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботи эшитилди, пировардида, жорий йилнинг 9 ойи якунига мувофиқ, уларнинг фаолияти натижаларига баҳо берилиши белгиланди.

Тadbир

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БУХОРО шаҳрида «Daewoo Textile Bukhara» хорижий корхонаси иш бошлади. Қалава ит ишлаб чиқаришга иқтисослашган ушбу корхона 47,5 миллион АҚШ доллари эвазига барпо этилди.

Янги корхона иш бошлади

Айтиш лозимки, «Daewoo Textile Bukhara» маҳсулотларини тўлиқ хорижа экспорт қилиш режалаштирилган. Мухими, корхона ишга туширилиши муносабати билан юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН туманидаги «Куйганёр» темир-бетон буюмлари» маъсулияти чекланган жамиятининг фаолияти тўхтаб қолган эди.

1,5 миллиард сўмлик маҳсулот

Сармоядорлар киритган 1 миллиард 60 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига бу ерда модернизация ишлари амалга оширилди. Асбоб-ускуналар янгиланди. Пировардида 20 хилдан ортиқ темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарила бошланди.

Корхонанинг оёққа туриши туфайли 97 киши ишли бўлди. Айтиш лозимки, жамият жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

О. ШОДНОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОЙ. Хатирчи туманидаги «Зарлан индустрия» маъсулияти чекланган жамиятдаги плиталар тайёрлаб келинади.

Гранит плиталари экспортга

Корхонанинг сифатли маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жамиятда етти минг квадрат метр солиқланган гранит плиталар ишлаб чиқарилди. Айтиш керакки, корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижа экспорт қилинмоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЯН-ШУШЕНСК ГЭСИ ТЎҒОНИ МАШИНА ЗАЛИ УСТИГА СИЛЖИБ, БОСИБ ҚОЛДИ

Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган авария жуда кенг доирадаги жамоатчилик диққат-этиборини ўзига қаратди. Гидроэнергетикадаги бу йирик фалокат тўғрисида расмий хулосалар чиқарилишига ҳали бир оз мuddат бор. Ҳозирча эса, соҳанинг нуфузли мутахассислари ўртасида гидроэнергетика дурдонаси, деб тан олинган станцияда нима воқеа юз берганини тўғрисида баҳslashувлар давом этапти. Саян-Шушенск ГЭСи тўғрисида 12 йилдан бери ўрганаётган техника фанлари доктори Владимир Тетельмин гидротехника соҳасидаги етакчи экспертлардан бири саналади. У биринчи ва иккинчи қақриқ Россия Давлат Думаси депутаты, «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг муаллифларидан биридир. Шарҳловчи Сергей Лесков билан қилган суҳбатда профессор В. Тетельмин Россиянинг ушбу маҳаббатли гидроэнергетикада рўй берган фожиага доир ўз қарашларини баён этди.

— Владимир Владимирович, Саян-Шушенск ГЭСига тааллуқли дастлабки таассуротимни айтганидан бўлсам, энг аввало, унинг гойтада таъкидлашимга тўғри келади. Бирок Миср эҳромлари ва қалъа деворларидан фарқли ўларок, ушбу станция қудратли гидромашиналардан тортиб, ўта сезгир тензорларгача бўлган мураккаб жиҳозлардан тикланган. Ташқаридан кузатган кишига тўғон бамисоли баҳайбат харсангдай бўлиб туюлади. Аслида эса, минглаб шахталардан таркиб топган чумоли уясининг худди ўзгинасидир. Бундай аҳволда қурилишнинг ички тарҳи қўтилганидан анча мураккабдай

бўлиб туюлмайдими, кишига? Ва жаҳонда қибси топилмайдиган бундай аркасимон-гравитацияли қурилишнинг ўзи нима? — Гравитацияли (тортишувчан) тўғонлар асоси дарёнинг тубига таянади, аркасимон тўғонлар эса дарё қирғоқларига мустаҳкам туташтирилиб бунёд этилади. Узунлиги бир километрдан кўпроқ, баландлиги эса

250 метрга яқин бўлган Саян-Шушенск ГЭСини барпо этишда тўғон қурилишнинг ҳар икки тамойилига ҳам амал қилинган. Ва бу ҳолат тўғоннинг атроф-муҳитдаги шарт-шароитларга ўта таъсирчанлигини юзага келтиради. Тўғоннинг пойдевори сув остида кўринмайди, бироқ унинг баландлиги, аслида, 100 метрдан зиёддрок. Енисейнинг сўл томонидаги соҳил ўта даражада майин, юмшоқ ортосланецил туپроқ қатламидан иборат.

Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидаги шитоби ҳал қилувчи аҳамиятдир. Сувнинг юқори сатҳидаги тебранчи беҳад катта бўлиб, мавсумда 40 метргача етади, ҳарорат эса 30 даражада иссик ва 30 даражада совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Бу жуда жиддий кўрсаткич-

лардир, лекин мазкур тўғон лойиҳалаштирилган индустриализациялаштириш ва маҳаббатга берилишлар даврида ҳайбаракатлилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади. Саян-Шушенск ГЭСи, бу — ички сиру синаотлари одамлар назаридан нияятда пинҳон бўлган баҳайбат «қора кут»нинг худди ўзидир. — Диққатга сазовор бир рақам нигоҳимга чалинди: Саян-Шушенск ГЭСидаги гидростатик вазн 22 миллион тоннани ташкил этар экан. Бу 500 мингта цистернадан таркиб топган оғирлик тўғонга ҳар лаҳзада босим кўрсатиб туришини аниқлатади. — 1985 йилда тўғоннинг биринчи, энг баланд устунни дарз кетиб,

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурий сўзаси бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида"ги Қарорининг ижроси, айтиш жоизки, жойларда изчиллик билан таъминланмоқда. Юртбoshимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ЮКСАЛИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий кенгашининг, хусусан, ўз атрофида етук таърибга эга мутахассисларни бирлаштириш доимий комиссияларнинг иштироки фал бўлаётди.

Шу нуқтаи назардан халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг алоҳида дастури ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда, жумладан, худудларда юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш асосида Дастурда белгиланган мақсадларни рўйбоғ чиқариш ҳамда фаолият йўналишларини самарали ҳал этиш юзасидан комплекс чоралар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Табиийки, худудий дастури тайёрлашда доимий комиссиянинг фал иштироки эди. Хусусан, ўтган давр ичида инқироз оқибатларининг олдини олиш юзасидан давлатимиз томонидан қури-

лаётган чораларнинг аҳамияти тўғрисида аҳолига кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Ва айна пайтда ҳам жойларда ташкил этилаётган семинар ва дора сўхбатларида вилоят иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлар аҳолининг кенг қатламга таҳлилий мисоллар орқали тушунтирилмоқда.

Айтиш керакки, инқирозга қарши чоралар мажмуасидан ўрин олган аниқ манзилли дастурлар ижроси ўтган олти ойликда вилоят иқтисодий вазирлиги билан биргаликда амалга оширилган бўлса, "Наманганмаш" акциядорлик жамиятида амалга оширилган иккита лойиха натижасида 12,1 минг дона сурма қопчоқ, 4 минг дона пўлат ва чуян задвичкалар ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурьатлари мос равишда 161 ва 174 фоизга өтди. Ёки "Машина" МЧЖда спорт жиҳозлари тайёрлаш беш баравар өртиди. Барқарор ўсишга қанот бағишла-

Доимий комиссияларда

хонлардаги шундай тадбирлар натижасида 10 хил турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилди. Биргина Нурин туманидаги "Олис коинот" ҳусусий корхонасининг модернизация қилиниши бу ерда болалар учун қуртқа тайёрлашни йўлга қўйиш баробарида қўшимча равишда 50 та ишчи ўрни яратиш имконини берди. Наманган шаҳридаги "Прима мебель" қўшма корхонасида эса ламинант

Хотларнинг муваффақияти

хотларнинг муваффақияти кўп ҳатдан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижросига боғлиқ. Шу мақсадда тайёрланган доимий комиссияларда ҳудудий дастурга киритилган корхоналарнинг 12 таси негизда 20 та лойиха ўзлаштирилиб, 64 та қўшимча иш ўрни яратилди. Уларда тайёрланган маҳсулот 6,3 миллиард сўмликни, импорт ўрнини босиш самардорлиги эса 1,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мисол келтирадиган бўлсак, "Наманганмаш" акциядорлик жамиятида амалга оширилган иккита лойиха натижасида 12,1 минг дона сурма қопчоқ, 4 минг дона пўлат ва чуян задвичкалар ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурьатлари мос равишда 161 ва 174 фоизга өтди. Ёки "Машина" МЧЖда спорт жиҳозлари тайёрлаш беш баравар өртиди. Барқарор ўсишга қанот бағишла-

ётган бундай омиллар корхоналарни кенгайтириш, модернизация, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўналишидаги тадбирлар рўйбоғида ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, маҳаллий ноозик-овқат ва истеъмол моллари тайёрлашга ихтисослашган кор-


босиш линияси ишга туширилиши билан яна 20 киши меҳнат жойини топди.

Вилоят иқтисодиётига шўқинлик бағишлаётган бундай ўзгаришларни ички бозорни тўлдиртиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, инвестициони фаолиятни кучайтириш жиҳасидаги фал ҳаракатларда ҳам кузатиш мумкин.

Доимий комиссиямиз инқирозга қарши чоралар худудий дастури ижросини мунтазам таҳлил қилиб, вилоят Кенгаши ва унинг сессиялари эътиборига ҳавола этиб бораётди. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойидаги сессияга давлатимиз раҳбарининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонининг вилоятда ба-жарилиши юзасидан масала кири-тилиб, депутатлар уни атрофлича қўриб чиқдилар.

«МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ»

Маълумки, қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини тўлиқ таъминлаш, шу йўналишда самарали тизимни шакллантиришда вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳодимлари томонидан тайёрланган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари» номили амалий қўлланма ушбу жараёнда уларга яқин қўмақчи бўлиши, шубҳасиз.



Амалий қўлланма кириш, 6 бўлим, 11 бобдан иборат бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларида ифодаланган ваколатлари йўналишлар бўйича берилган.

Амалий қўлланманинг дастлабки бўлими Президентимиз Исмоил Каримов асарларида маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда ҳокимлар фаолияти ҳақида билдирилган фаллар, фикр-мулоҳазаларга бағишланган. Унда, шунингдек, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил этишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимлар ва бошқа маҳаллий раҳбарларга қўйилган талаблар, ислохотлар учун масъул бўлган ҳокимлар фаолиятининг мезонлари, "Қули давлатдан — қули фуқаролик жамияти сари" концепциясини амалга оширишда айрим ваколатларнинг босқичма-босқич равишда марказдан жойларга ўтиши бўйича стратегия вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва унинг фаолиятига оид асосий ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланманиннг иккинчи бўлимида баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид асослар, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунлар шул ар жумласидандир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари учинчи бўлимда баёндаш ифодасини топган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда ижро этиш, худудларни иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожлантириш, қурилиш ҳамда транспорт, уй-жой, коммунал, қишлоқ ҳўжалиги, өр ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек, уларни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа соҳалардаги ваколатлари му-жассамлаштирилган.

Амалий қўлланмада маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати ҳам берилган. Жумладан, унда ҳокимликлар фаолиятида мунтазам қўлланиб келинадиган тушунчалар, масалан, ариза, аҳоли пунктлари, мажбурий тўловлар, ваколат, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари, депутат, мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, ҳокимликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий бюджет, муниципал мулк каби тушунчалар кенг изотилди.

Мазкур қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар-кадрларига, кенг жамоатчиликка мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг тизимли тарзда ижросини таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Қўлланма

Д. КАРИМОВ, Президентинг ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фаллари номзоди.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъминлаш мақсадига Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида Вазирлар Маҳжасининг 2003 йил 28 июлдаги "Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари қўриб чиқилди. Унда тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, шу йилнинг октябрь-декабрь ойларида худудлардаги аҳолини ўрганиш бўйича Давлат солиқ қўмитасининг махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Айни вақтда, ҳайъат йиғилишида Солиқ кодекси талабларига асосан, худудий давлат солиқ хизмати органлари томонидан мониторингдаги вазирилик ва уюмларнинг солиқ қарзларини мажбурий ундирувга қаратиш борасидаги тадбирлари самардорлиги таҳлил этилиб, Андижон, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида бу борадаги ишларнинг аҳоли қониқарсизлиги танқид қилинди.

Хато ва камчиликларга йўл қўйганилиги учун давлат солиқ бошқармаларининг 4 нафар ҳамда давлат солиқ инспекцияларининг 28 нафар раҳбарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, уларнинг 31 нафари фаолиятига кейинги ҳисобот даврлари яқини бўйича баҳо берилиб, масъулияти қўриб чиқилиши қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳайъатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ДСҚ Аxbорот хизмати.

СУВ КЕЛТИРГАН ЗАДА АЗИЗ

Беруний туманидаги Алишер Навоий номили ҳамда "Шаббоз" қишлоқ фуқаролар йиғини худудига яшовчи 17 миң нафар аҳолининг қувончи чеқсиз.

Сабаби, "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ичимлик суви тармоқларини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида мазкур худудда 61,2 километрик ичимлик суви тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу ҳайрли ишга амалга ошириш учун 2 миллиард 50 миллион сўм маблаг сарфланди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

яратиш мақсадида доимий изланишда. Улар ўтган йили 20 тонна юк кўтаришга мўлжалланган автомобиль ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишган. Жамоа мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида "SamAuto LE 60" русумли янги автобуснинг дастлабки намунасини яратди.

— Янги моделини ишлаб чиқариш корхонанинг моделлар каторини ишлаш,



(Давоми. Боши 1-бетда).

дарёнинг бу қирғоғидан у қирғоғича бутун тўғон танасида ёриқ пайдо бўлганлиги аниқланди. Ёриқан жойдан ҳар сонияда 550 литр сув оқиб ўта бошлади. Буни сув остидаги бутун бошлиқ дарё деса ҳам бўлади.

— Самолёт қанотида кўпгина йиртиқ-ёриқлар ву-жудга келса, оддий ҳол саналади. Қанотнинг муштақамлиги унинг мана шу йиртиқ-ёриқларга бардош бериши билан ўлчанади.

— Гидротехникада дарз кетишларга йўл қўйиб бўлмайди. Тўғон бетонининг емирила бошланиши 8 йил мобайнида давом этиб, фақат 1996 йилдагина Франциядан келган мутахассислар унинг яқинлигини полимерлар воситасида тиклашга муваффақ бўдилар. Бироқ емирилиш давом этипти. Бугун 4 та устундан фақат охириги, тўрттинчигина сув остидаги тош-метин меҳварга ишончи даражада таяниб, тўғонни ушлаб турибди. Қунда Саян-Шушенск ГЭСи бугунги кунда гравитацияли тўғон эмас, балки фақат аркасимон тўғон ёрдамида ишлаб турибди.

Тўғоннинг ўрқачи пақта тушаётган сув сатҳига қараб, яъни Енисей дарёсининг оқими томонга силжиганлиги, айниқса, энг катта хавф-хатарни тўғирмоқда. Тўғоннинг танаси 67 та секциядан иборат. 2006 йилда марказий, 33-секциянинг жойидан силжиганлиги қайд этилган, тўғоннинг аркасимонлиги туфайли унинг ўрқачини қийшайганлиги 60 мм.ни ташкил этди. Энди уни ўрнига келтириш амри маҳолдир. Гарчи нариги қирғоқда ҳозирча симметрияли ҳолатида тўғон 45-секция ўз ўрнидан бор-йўғи 97 мм.га силжиган бўлса-да, лекин сочилик-тўқилиб өтган 2-агрегат жойлашган 18-секция жойидан 107 мм.га

табалашига тўла жавоб беради.

Дарҳақиқат, автобусни лойиҳалаштиришда хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилган. Унда "ABC", "ASR", "ECAS" тормоз тизимларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Йўналиш барқарорлигини назорат қиладиган "ECAS" тизими шаҳар шароитларида, ай-

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛАРИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ



САЯН-ШУШЕНСК ГЭСИ ТЎҒОНИ МАШИНА ЗАЛИ УСТИГА СИЛЖИБ, БОСИБ ҚОЛДИ

силжиган. Бунинг барчаси тўғон танасида ваҳимали даражадаги ички зўриқишни юзага келтирмоқда.

"Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга биноан, 108 мм.га силжиш хавфсизлик нуқтаи назаридан таҳликалидир. 2006 йилда тўғондаги чидамлик захираси бор-йўғи бир мм.га тушиб қолди. Авария рўй берган секция бир неча йил давомида сўнгги имкониятлари даражасида ишлаб келди. Ўтган 3 йил давомида унинг силжиши 1мм.дан ҳам каттароқ микродори ташкил этиши мумкин эди. Қонунга биноан, бундай шароитда тўғон бажараётган ишнинг қўлама зудлик билан қамайтирилиши лозим эди. Лекин фойда, даромад оқибатидан қувулиб, аксинча, иш қўлама янада оширилди.

— Қандайдир этиги ўн миллиметрга силжиш тўғоннинг баҳайбат келбати олдинда ҳеч гап эмасдай. Наҳотки тўғондаги шу сезилар-сезилмас силжишни аниқлаш усули мавжуд бўлса?

— Тўғонда 3 мингга тензометр ва 3 мингга деформометр ўрнатилган. Шунингдек, 3 мингга геодезия ҳолатини кузатиш ва 3 мингга сувнинг фильтрланишини назорат қилиш ускуналари ҳам мавжуд. Енисейда, 40 метр чуқурликка лангар — репер қурилмаси туширилиб, маҳкамланган бўлиб, унга қараб тўғондаги силжишлар аниқланади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар "Русгидро" томонидан ҳужжатларда қайд этилган ва тан олинган. Шундай қилиб,

ниқса, сирпанчик йўللарда қўл келади.

Автобуснинг узунлиги 7,9 метр, оғирлиги 9,8 тонна бўлиб, йўловчилар сифми 60 кишига мўлжалланган. Салони шинам ва юмшоқ ўриндиқларга эга. Йўловчиларнинг чиқиб-тушишлари учун қулайлик яратиш мақсадида "Kneeling" тизими ўрнатилган. Бундан ташқари, унда махсус мосламанинг мавжудлиги жиҳосий имконияти чекланган йўловчиларга қўшимча қулайлик туғдириб, уларнинг автобусга ҳеч қийинчиликсиз чиқишларини таъминлайди. Энг муҳими, автобус двигатели ка-

питал таъмирисиз 1 миллион километргача йўл босиши мумкин.

Яратилган янги русумдаги автобус мамлакатимизда эришилаётган ютуқларнинг яна бир намунасидир. У нафақат юртимиз кўчаларига кўрк бериб, аҳолининг узогини яқин қилади, балки дунёнинг қўллаб-қувватлаган экспорт қилиниб, ўзбек автомобилсозлик довруғини янада кенгроқ ёваради.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган суратлар.

зид фаразимни яна шу нарса тасдиқлайдики, машина залида топиغان гидроагрегат боллари нафақат дарз кетган, шу билан бирга, улар қалин занг қатлами билан қопланган, очик-ойдин қилиб айтсак, улар ҳатто, узок пайтдан бўён синиқ ҳолатда ишлатилган.

— Айти олмайсизми, Саян-Шушенск ГЭСида вазият бундан кейин қандай ривожланади ва унинг ўрнидан силжиши давом этаверадими?

— Хали барча ҳолатлар ҳисобга олинмаган. Тўғон қатлисидаги маҳобатли сув омборининг вазни миллиардлаб тоннани ташкил этади. Менинг ҳисоб-китобимга қўра, тўғон остидаги тўпуқ чўқмасининг қалиنлиги ҳам 30 см.га өтиб қолди — бунинг ўзи яна бир ташвишдир. Суви қирғоқдан ташқарига чиқа-

зид иншооти қурилиши олдиндан уюштирилган портлатиш оқибатлари ҳам ўрганилмаган. Бундан ташқари, гидроузелининг өр қобилиги ва тектоник жараёнларга кўрсатадиган глобал таъсирини ҳам тушуниб өтганимиз йўқ. Булар шу қадар мураккаб вазифаларки, шу боисдан АҚШда анча вақтдан бўён йиртиқ ГЭСларни қурмай қўйишган, чунки ҳар қандай зўриқишларга ўртача қувватли гидростанциялар каскадида осонроқ барҳам берилиши мумкин.

Бироқ энг асосий хавф-хатар шундаки, киш пайтда, агрегатлар ишламай турса, қувурлар музлайди. Улар тўғонга таянч бўлолмаст бўлиб, қўлдан эса тўғоннинг ҳозирча бус-бутун турган бошқа агрегатлар устига ҳам қўлаб тушиши ҳеч гап эмас.

Бирдан-бир тўғри йўл — сув босимини кескин қамайтириш ва станциялар иш ҳаммини қисқарттиришдан иборатдир. Қурилиш зарар эса, қиёсанса, Саян-Шушенск ГЭСидаги бундан кейинги бузилишлар келтирадиган улкан зарарлар олдиде урвоқ ҳам бўлмайд.

Юз берган өнган туфайли ГЭС-дан ишчиларни қуришига тўғри келди.

Чоршанба куни Саян-Шушенск ГЭСининг машина залида өнгин содир бўлди. "Русгидро" компанияси сайтидаги маълумотга қўра, мاتبутот хизмати "2009 йилнинг 9 сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 17.40 да Саян-Шушенск ГЭСида машина залининг 320-белгисида, өр ва 9-гидроагрегатлар худудиде өнгин юз берди", деб хабар тарқатган. Фалокат оқибатида 200 га яқин киши ишлаб турган машина залининг ту-тун қулғаб олган. "Бир неча дақиқа давомида машина залининг барча биноларидан одамларнинг чиқариб юборилиши ташкил этилди. Ва яна бир неча дақиқа ичида өнгин ўчирилган".

Бу орада эса, чоршанба куни ГЭСдаги авария чоғида ҳалоқ бўлган яна бир кишининг жасади топилган. Унинг қимлиги аниқланган. Мархум Вячеслав Жданов экан. Шундай қилиб, 17 августда юз берган фожиа оқибатида ҳалоқ бўлганлар сони 74 нафарга өтди. Яна бир аёл бедарак йўқолган.

СЕРГЕЙ ЛЕСКОВ, «Измастия» газетаси, 10 сентябрь.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ҳар қандай жисмли учирини таъкидлаш, дея хабар тарқатди "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.



Маълумотларга қараганда, бу чеклов мамлакат миллий байрами муносабати билан жорий этилган ва у 15 сентябрдан 8 октябрга қадар амалда бўлади. Ушбу вақт мобайнида пойтахт осмонда спорт ўйинлари, тижорат-реклама мақсадларида ҳам бу каби тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмайди. Маҳаллий аҳоли ҳатто пуфакларни учирини мумкин эмаслиги борасида огоҳлантирилган.

Балиқчилар қуролланишди

Испания ҳукумати мамлакат балиқчиларининг қуролланишига рўхсат берган.

"Сапа" ахборот агентлигининг хабарига айтилишича, бундан кўзда тутилган асосий мақсад, балиқчиларнинг қароқчилар ҳужумидан ўзларини муҳофаза қилишлари имкон яратишдир. Маълумки, Испания балиқчилари сунги пайтларда бир неча бор соғалилик қароқчиларнинг ҳужумига учрашган. Шу боис мазкур соҳа билан шуғулланувчилар ҳукуматдан қуролланишлари ёки кемаларда аскар жойлаштиришларини сураб мурожаат қилишганди.

Глобал масалалар муҳокамаси

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси иш бошлади.

Унда 100 дан орტიқ мамлакат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва турли соҳа мутахассислари иштирок этишмоқда. Сессия давомида 160 дан зиёд масала муҳокама қилиниши кўтилмоқда. Жумладан, ер юзидан тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризмга қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалалари, ОИТга қарши курашни кучайтириш, иқлим ўзгаришлари каби масалалар кун тартибига киритилган. Шунингдек, тадбир давомида ташкилот иштини фаоллаштириш, унинг Хавфсизлик Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш ҳам муҳокама қилинади.

Ташриф вақтидаги қўпоровчилик

Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида қўпоровчилик ҳаракати содир этилди.

Манбага кўра, номаълум кимсалар томонидан шаҳарнинг ҳукумат идоралари ва чет давлатлар элчихоналари жойлашган ҳудудга ўққа тутилган. Отишмалар чоғида икки киши ҳалок бўлгани айтилмоқда. Хунрезлик мамлакатга АҚШ вице-президенти Жо Байденнинг расмий ташрифи чоғида амалга оширилган.

Авиакомпаниялар зарари

Жорий йилнинг шу даврига келиб жаҳондаги авиакомпаниялар кўрган иқтисодий зарар миқдори 11 миллиард АҚШ долларига етган.

Бу ҳақда Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) томонидан маълум қилинди. Изоҳланганича, бу ҳолга авиабилетлари нархининг ошиб кетиши ҳамда йўловчи ташини ҳамининг камайиши сабаб бўлмоқда. Иил якунига бориб эса йўловчи ташини хизматида дунё бўйича тўрт фоиз камайиш кузатилиши башорат қилинмоқда.

Бундан ташқари, IATA 2010 йилда ҳам авиакомпаниялар зарарини ишлашни тахмин қилмоқда. Кейинги йилда улар 3,8 миллиард АҚШ доллар миқдорда иқтисодий йўқотишга дуч келишига мумкин. Умуман, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур тизимга қарийб 16,8 миллиард АҚШ доллар миқдорда зарар етказган.

Иситмаси ошкор қилди

Доминикан республикасида Испаниянинг "Iberia" авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёт фавқулодда кўндирилган.

"РИА Новости" хабарига кўра, экипаж аъзоларининг бундай йўл тутишига йўловчилардан бирининг қорни қаттиқ орби қолганлиги сабаб бўлган. Лайнер ерга кўниши билан бемор касалхонага олиб кетилган. Текширилганда сўнг унинг ошқозонига бир неча капсулаларда гиёҳванд моддаси борлиги ошкор бўлди.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Эроннинг таниқли "Экология янгиликлари" ойлик журнали саҳифаларида Ўзбекистон иқтисодиёти, маданий-тарихий мероси ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

«ЭКОЛОГИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ» ЖУРНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

"Мирзо Улугбек ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган хиссаси" мақоласида қомусий билимлар эгаси бўлган буюк Ўзбек олими, астрономи ва давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг 615 йиллиги ва ҳамда ЮНЕСКО томонидан 2009 йил — "Халқаро астрономия йили" деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирлар, ушбу санага бағишлаб Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида халқаро конференция бўлиб ўтгани ёритилган.

Мақолада буюк олим, ўрта аср мутафаккири, жаҳон илм-фан азинасига бебаҳо хисса қўшган Улугбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

"Узининг ақл-идроқи, қаттиққўл адолатли сиёсати туфайли,

Чунки ушбу давлатлар Шарқнинг Улугбек, IX асрда яшаб ўтган алгебра фани асосчиси Ал Хоразмий, Американинг мавжудлигини биринчи бўлиб башорат қилган ас-

Тақдимот

Шунингдек, журналнинг яна бир мақоласида яқинда бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши сайловларига батафсил изоҳ берилган. Таъкидланадики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат, ҳуқуқий тизимни изчил, босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида демократик таллабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг, сиёсий партияларнинг сайлов жа-

раёнларида эркин ва фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий-ташқиллий ва моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишда ишончли қафо-

латлар яратилган. Мақолада, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, депутатликка номзодларнинг сиёсий партиялар номидан сайловларда иштирок этиши, сайловчилар ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ишни ташқил этиш борасида батафсил маълумотлар берилган.

"Шарқнинг қадимги ва замонавий дарвозалари" мақоласи Тош-

кент шаҳрининг юзага келиш тарихи, бугунги қиёфаси ҳамда шаҳарнинг байрам тантаналарига бағишланган. Мақолада мустақиллик йилларида бу ерда олиб борилган ишлар пойтахт қиёфасини тубдан ўзгартириб юборгани алоҳида таъкидланади. Бугун Тошкент бутун дунёга нафақат улкан иқтисодий, илмий ва маданий марказ сифатида, балки биринчи навбатда халқаро саҳнада Ўзбекистон нуфузининг доимий ўсиш рамзи, ўнлаб хорижий давлатлар элчихоналари, кўпгина халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган шаҳар сифатида машҳурдир.

"Тошкент янада ёрқин байрам қиёфасига кирмоқда. Кўчалар ободонлаштирилмоқда, янги объектлар қурилмоқда, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш борасида ишлар олиб борилмоқда", дейилади мақолада.

"Иносият тарихи давомида цивилизациялар чорраҳаси ҳисобланган Ўзбекистон ҳудуди ҳозирги кунда археологларнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда", дея таъкидланади "Тошкент воҳасининг археологик ёдгорликлари" сарлавҳали мақолада. Унда мазкур ўлкада турли давлатлардан келган археолог-олимларнинг олиб борган қадимий қизилмалари, маданий ва мейморчиликка оид тарихий ёдгорликларнинг ноёб янгиликлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

«Жаҳон» АА.

Қовун ва қовоқ сайли

Мамлакатимиз вилоятларининг ўзигагина хос тадбири тантаналари бисёр. Масалан, Наманганда "Гул сайли"ни ўтказиш нечоғли анъанага айланган бўлса, Мирзачўл воҳасининг "Қовун ва қовоқ сайли" ҳам ундан кам эмас.

Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрида ташқил этилган бу гаги сайилда деҳқону соҳибкорлар томонидан етиштирилган полиз маҳсулотларининг ўнлаб навлари тақдим этилди. Бу йилги тадбирнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, вилоят ишлаб чиқарувчилари полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, қадқоқлаш, улардан тайёрланган мурabbo, шинни, қовун қоқи, қовун ёғи сингари маҳсу-

лотларни ҳам намойиш этдилар. Айниқса, мизабодлик Матлуба Нишонованинг полиз маҳсулотларидан тайёрлаган қовун асалли, мурabbo ва мармалад иштирокчиларга гоят манзур бўлди.

Сайилнинг энг фаол иштирокчилари бўлган фермер ва тадбиркорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

А. ШЕРНАЗАРОВ.



«O'zbekenergo» DAK «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташқил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-қарори ижросини таъминлаш мақсадидаги танловда иштирок этишга таклиф этади.

Танловнинг номлини — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш вазифаларини бажарадиган хусусий инвестор операторлар танловини ташқил этиш.

Танлов ўтказишнинг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилиб, унда хусусий операторни ташқил этиш ва хусусий операторга юкландиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташқил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий операторга таклиф этилаётган фаолият ҳудуди: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.

Танлов ташқилотчиси — «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур даражада хизмат кўрсатиши таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй, «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJ биноси. Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб аризаларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар давом этади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 29 сентябрь соат 18.00 гача.

Танловни ўтказиш муддати — 2009 йил 30 сентябрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташқилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатга олиш идорасининг инвестор қайта ташқил этилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли идоралар томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, устави ва таъсис ҳужжатлари;

инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари асосида, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;

инвестор «O'zbekenergo» DAK ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» DAK томонидан берилган маълумотнома;

инвесторнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «O'zbekenergo» DAK ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинандиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJнинг махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказдилар: «Ўзсанотқурилиш-банк»нинг Гулистон шаҳар бўлими, ҳисоб рақами 20210000900134817112, МФО: 00855, СТИР: 200324414, ОКОНХ 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан «Sirdaryoelektrtarmoqlari» OAJга мурожаат қилиш керак. Манзил: Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй. Телефон: 25-04-76.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорда, гаров суммаси эса энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдорда белгиланган.

Танлов ҳужжатларини олиш учун учинчи шахсларнинг тўловни амалга ошириши таъкидланади. Танлов иштирокчилари танлов комиссиясига ахборот олиш учун ҳар кун (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача танлов тақлифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат қилишлари мумкин.

«БЕНАКИ» ЮРТИМИЗГА ҚАЙТДИ

Хиванинг қадимда машҳур бўлган ва XIV асрга қадар кен тарқалган «Бенаки» услубидаги нақшикор гиламлари бизга маълум бўлмаган айрим сабаблар билан йўқ бўлиб кетган, деб ҳисобланарди.

Яхши нарсанинг хари-дори кўп бўлгани каби, «Буюк Ипак йўли» бўйлаб бир неча аср давомида "сайр" қилган «Бенаки» Греция мазналаридан бирида сақланган экан. Бундан хабар толган Хивадаги Анъанавий гилам ва табиий бўёқ тайёрлаш маркази раҳбари М. Маткаримов бошчилигидаги қўли гул тўқувчи ва дизайнерларнинг изланишлари

сабаб «Бенаки» нақшлари қайта тикланди. Эътироф этиш керакки, ЮНЕСКОнинг ҳомийлик кўмаги дастури асосида ташқил этилган ушбу марказ ҳодимлари бугунги кунга қадар йўқолиб кетганга қадар анъанавий гилам нақшларини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Р. ХУДОЙКУЛОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН»

ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ

сизларни Кисловодск, Ялта шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» санаторийларида хордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишингизни таклиф этади.

Кўзи мавсум нархлари Ўзбекистон фуқаролари учун туширилган.


Шошилинг. «Олтин мавсум»ни ўтказиб юборманг.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов к., 65-уй. Мурожаат учун телефонлар: «Ўзбекистон» санаторийлари бўйича: 233-64-92, 233-55-18, 232-13-67, «Кибрай» санаторийси бўйича: 233-59-27. WEB-сайт: http://uzbekiston.atm.uz E-mail: AOZUB@rol.uz

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВАУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари



Махсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маҳалласи, 4-даҳола, 8-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкон жойлашган чорраҳа.

Integral Asia Dell. ...от карманных компьютеров до серверов... Технологии, обеспечивающие уверенность 3 года полной гарантии!!! Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

«CHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами республика Эстрада-цирк колледжи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова ва унинг оила аъзолари қалбига катта қувончини, бахтирликни бошлаб келди: Карима Фахриддинова шу улуғ байрам муносабати билан давлатимизнинг юксак ва фахрли мукофотлари сазовор бўлганлар қаторида "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

санъати даргоҳлари битирувчи ўқувчиларимизни ўзлари га ишга тақлиф этишяпти. Бунинг янада жиҳдий сабаблари ҳам бор, албатта. Масалан, 2008 йилнинг октябры ойида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Улугбек Зарипов раҳбарлигида бевосита Карима Зарипова қўлида тарбия топган "Ўзбек амазонкалари" чавандоз қизлар гуруҳи Хитойдаги халқаро цирк санъати фестивалида қатнашиб, от устида кишини лол қолдирадиган чавандозлик томошаларини шу қадар моҳирона намойиш этидиларки, натижада бу қизларнинг моҳирлиги ва жасурлиги "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилди. Бундай ёрқин натижага Хитойда, ўша томоша залда ҳозир бўлган қўлбалас ҳорижий давлатлар цирк санъати намояндаларини маҳлиё этди.

Табиики, хорижий цирк санъати менежерлари интернет сайтда республика Эстрада-цирк колледжида таълим олаётган ёш санъаткорлар тўғрисида маълумот топган, уларни ўз томоша залган ўқувчиларнинг ижрочилик қобилиятларини эса Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Онуф Турраев, Эркин Раҳимов, Гулшан Азизова каби халқимизнинг таниқли санъаткорлари астойдил камолга етказаяптилар. Колледжа эстрада йўналишида тарбия топаётган ўқувчилар республика ва халқаро курик-танловларда, фестивалларда бири-биридан қувонarli ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

БУ ЕРДА ИСТЕЪДОДЛАР ТАРБИЯЛанади

— **Юртбошимиз** ёшларни оталарча бир улкан меҳр билан ардоқлаб, кечаю кундуз уларнинг бахтини, келажagini, камолотини ўйлайдилар, — дейди Каримахон. — Пировада педагоглар меҳнатининг кадр-қимматини ҳам доимо баланд тутадилар. Шахсан менга аталган юксак мукофот, бу — коллежимиз ижодий-педагогик жамоаси қўлаётган хайрли меҳнатга берилган юксак баҳо, деб билман.

Мазкур коллеж ўз ихтисослашувига кўра, бутун Ўрта Осиёда ягона таълим муассасаси ҳисобланади. У илгиридан маъруз кичик эстрада ва цирк санъати студияси манбаида шаклланиб, ўз фаолиятини кенгайтириб ва

ривожлантириб, ният, 1996 йилда махсус касб-хунар коллежи мақомига эга бўлди. Бу ерда Цирк санъати, Эстрада-актрёлик санъати, Эстрада рақси, Эстрада хонандлиги ва Эстрада мусикаси каби бешта йўналишда ўрта махсус малакали ижодий кадрлар тарбиялаб етиштирилди.

Таълим масканини битириб чиққан ёш санъаткорлар театрларда актёр, рақс дасталарида рақос ва рақосда, телевидение ҳамда радиода бошловчи, ўқувчи ёшларнинг ижодий марказларида, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида мурабий, мусика, рақс ўқитувчиси бўлиб ишлаяптилар.

Шуни айтиш керакки, коллежнинг Цирк санъати бўлимини тамомлаб чиққан бир талай ёшлар ҳозирги кунда Испания, Россия, Хиндистон, Қозғистон ва Қирғизистон давлат циркларида меҳнат қилмоқдалар. Улар бунга қандай қилиб эришди?

Коллеж раҳбари бу борда қуйидагиларни бизга маълум қилди:

— Интернетда коллежимиз ўз сайтини очган. Умуман, таълим муассасаси, жумладан, бу ерда ўқётган ёшлар тўғрисида ана шу сайтда атрофлича маълумотларни жойлаштириб бораёямиз. Улар асосида хорижий цирк

ларига кўришни, шак-шубҳасиз, истадилар.

Колледжа цирк санъати соҳасидаги салоҳиятли ёшлар ўзбек цирк санъатининг тамал тошини қўйган Зариповлар ва Тошкентбоялар сулоласи намояндалари қўлида бу санъатнинг нозик сир-синоатларини ўзлаштирмоқдалар. Эстрада рақси, хонандлиги ва мусикаси бўлимларида тахсил кўраёт-

— **Қишлоқлардаги** иқтидорли ёшлар ҳам коллежимизга келиб, санъатда ўзларига йўл очишлари учун бу ерда зарур шароитлар яратишга интилаяпмиз, — дейди ҳаммуҳаббатимиз. — Масалан, бундай ёшлар учун коллеж хузурда тураржой — Ёшлар уйини бунёд этишимиз керак. Ҳозир шунинг ҳаракатидамиз.



Антонинг олтин медали

Минск шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада юртимиз шарафини Пекин Олимпиадаси бронза медали соҳибни Антон Фоксин муносиб ҳимоя қилди. У кўп кураш бахсларида исроиллик спортчи Александр Шатилор ҳамда швейцариялик Роман Гисини очколар ҳисобида орта қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Яна икки нафар вақилимиз — Равшан Осимов ва Руслан Эргашевнинг иштироки ҳам муҳлису мутахассисларда яши таассурот қолдирди. Турнирда ҳамюртларимиздан ташқари Озарбойжон, Исроил, Канада, Латвия, Литва, Польша, Россия, Франция, Украина, Швеция, Швейцария каби мамлакатларнинг ҳам кучли спортчилари қатнашишди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур турнир жорий йилнинг октябры ойида Лондон шаҳрида ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик вазифини ҳам ўтади.

Саломатлик

УЛАРГА ТАБАССУМ ЯРАШАДИ

Жаҳоннинг 51 мамлакатига ўз бўлимларига эга бўлган ушбу ташкилот кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила-ларнинг бемор болаларига бепул ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Куни кеча машҳур жарроҳ В. Иео бошчилигида ташкилотнинг Сингапур бўлимидан ўттиз нафар шифокор Тошкент педиатрия тиббиёт институтига таширғи буюрди. Улар бир ҳафта давомида лаб, танглай, умуман, юз қис-

мида нуқсон бор 70 нафардан зиёд бемор болаларни жарроҳлик йўли билан даволашни режалаштиришган. Кўнгиллилар ўзлари билан тиббий муолажа учун зарур бўлган барча тиббиёт ускуналари, дори-дармонларни ҳам келтиришган.

— Мақсадимиз болаларнинг лабларида кулли-табассум қилиши, — дейди В. Иео. — Негаки, уларга табассум ярашади.

З. ИСОМИДИНОВА.

Таълим

Юз-қўздан меҳр балқиб турган, бир оғиз ширин сўз айтсангиз, бутун вужуди билан сизга талпинадиган болажонларга дуч келганмиз? Уларнинг покиза орзу-ўйлари, эзгу мақсад-муддаоларига қулоқ тутганмиз? Жиззах вилояти халқ таълимни бошқармасига қарашли 29-Меҳрибонлик уйда бўлганимизда, хайлимиздан ана шу саволлар ўтди. Мазкур тарбия муассасасида ота-она меҳридан мосуво бўлганларни тарбиячилар ўз фарзандларидек ардоқлайдилар, ҳеч қимдан кам эмасликларини тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Улар бир пайтининг ўзида ҳам муаллим, ҳам мурабий, ҳам ота-она вазифини ўтайдилар.

Гамхўрлик

— Келажада актриёа бўлиб, меҳрибон сингли ёки опа образини яратмоқчиман, — дейди ўзини Озода Элмуродова деб таништирган қизалоқ. — Мени бу ерда олиб келишганда, беш ёшда эканман. Онам дунёдан ўтган, отам мени ташлаб кетган экан. Агар Меҳрибонлик уйи бўлмаганда, билмадим, аҳолим не

Паралимпиячиларимизнинг салмоқли ютуғи

Мамлакатимиз паралимпиячилари томонидан қўлга киритилган ютуқлар салмоғи тобора ошиб бормоқда.

Хусусан, шу йилнинг 8-13 сентябрь кунлари Япониянинг Токио шаҳрида ташкил этилган имконияти чекланган ёш спортчилар ўртасидаги ПараОсиё ўйинларида вақилиримиз муносиб иштирок этиб, 5 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишгани фикримиз тасдиғидир. Ушбу ютуққа Фаррух Мирзақуллов, Музаффар Ражабов, Бекзод Хўжаев, Ойбек Бозоров, Сулғун Бекмурзаева, Муроджон Аббосхонов муносиб ҳисса қўшдилар.

Мазкур мусобақаларда қирққа яқин давлатдан қарий минг нафар имконияти чекланган спортчи қатнашди.

Кардиология маркази иш бошлади

Урганч шаҳрида Республика ихтисослашган кардиология марказининг филиали иш бошлади.

Айтиш лозимки, ушбу тиббиёт масканининг замонавий ускуналар билан жиҳозланган филиали беморларга аниқ ташхис қўйиш ва жарроҳлик амалиётини самарали ўтказиш имкониятини беради.

О. РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Мехрдан улғаяётган болалар

— Дунёнинг ҳеч бир мамлакатига ёш авлод тарбиясига, уларнинг қаровисиз қолмаслигига биздағичалик эътибор берилмайди, — дейди 29-Меҳрибонлик уйи директори Норкул Тоғаев. — Қўзингиздан меҳр қидираётган гўдак қалбига йўл топишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда эса 97 нафар тарбияланувчининг ҳар бирига алоҳида эътибор кўрсатилади. Бунинг учун Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак кам. Зеро, давлатимиз раҳбарининг гамхўрлиги тўғрисида муассасамизда болалар шодон ўлғайишмоқда. Қолаверса, болажонларнинг ётиб-туришлари, билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Фамхўрлик

оғушида эканлигига яна бир бор амин бўласан, киши. Энг асосийси, бу болаларнинг ҳар бири Юртбошимизнинг оталарча меҳрибонлигини юрак-юракдан ҳис этиб, вояга етишмоқда.

— Мен катта бўлсам, ҳарбий бўлман, — дея ўқтам гапирди тарбияланувчи Шерали Қодиров. — Бунинг учун соғлом ва бақувват, билимдон ҳамда дуюрак бўлиш керак. Сизга айтсам, мен ўз кунимга ишонаман, келинг, бир куч синишиб кўрамиз...

Шерали шундай деб енг шимариди. Унинг бундай хатти-ҳаракатини қузатиб турган тарбиячилар беҳишёр кулиб юборишди. Бошқа болажонлар эса Шералининг гапларини ошатиб, ўз орзу-истакларини изҳор эта бошлашди.

«Мустақиллик кубоги» навоийликларда

Пойтахтимизда баскетбол бўйича аёллар ўртасида ташкил этилган «Мустақиллик кубоги» бахсларининг голли ва совриндорлари номи маълум бўлди.

Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада бу гал Навоий вилоятининг «Ника» жамоаси муваффақият қозонди. Иккинчи ўринни меъзон жамоа — «Пахтакор» қўлга киритди. Олмалиқнинг «ОТМК» жамоасининг баскетболчи қизлари эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Мазкур жамоалардан саралаб олинган Ўзбекистон терма жамоаси бугун Хиндистонда бошланадиган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Гиёҳвандлик: Оқибати мудаҳиш

Гиёҳванд моддаларни гаيريқонуний равишда тарқатуви ҳамда бу ишларни ташкиллаштирувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш учун Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида махсус тезкор гуруҳлар фаолият кўрсатаяпти.

Бу гуруҳлар автомобил йўллари, аҳоли яшаш жойлари, овлоқ ерлар, қир-адирлардаги экин майдонларида етиштирилаётган кўкнори, наша ва бошқа турдаги наркотик моддаларни қидириб топишда энг замонавий асос-укуналардан фойдаланишмоқда.

Айниқса, вилоятнинг чегара худудларида қузатув ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Юртимизда чегаралардан кириб келаётган наркотик моддалар йўлини тўсиш мақсадида жанубий йўналиш бўйича «Фарғона — Водил», шарқий йўналиш бўйича «Қува — Андижон», г'арбий йўналиш бўйича «Фарғона — Тошкент» йўналишдаги автомобиль йўлларида йўл-патруль хизмати масканлари ташкил этилди. Вилоятнинг чегара жойларга яқин айланма йўлларида эса қўчма постлар фаолият кўрсатаяпти.

Гиёҳвандликнинг нақадар аянчли қисматга олиб келиши ҳаммага маълум. Лекин баъзи имонини сотган кимсалар шахсий манфаат йўлида бундай манфур ишлардан қайтишмайди. Хатто, тураржойларини, хонадонларини гиёҳванд моддалар етиштирадиган масканга айлантириб олишяпти. Одатда, кўп қаватли уйларнинг ойнаванд балконларидан ҳордиқ чиқариши, манзарали гул кўчатлари етиштириш учун фойдаланилади. Қўқонлик А.Б. эса бу жойни наша парварши

Об-ҳаво (17 сентябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қўсқа мудатли ёғин ёғиши мумкин. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Баъзи худудларда қўсқа мудатли ёғин ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда ёғин ёғиши кутилмоқда. Тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, қўсқа мудатли ёғин ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-14, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Об-ҳаво (17 сентябрь)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси механика — математика факультети Дифференциал тенгламаҳо кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори, академик **Тўхтамурадов Жўраевич Жўраевич** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузурлида Давлат ва жамият қурилиши академиясига қўшилган Олий бизнес мактаби жамоаси кафедраси мудири, иккитаси фанлари доктори, профессор Одилжон Иминовнинг **ЗУЛФИЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирилди.

«Ўзқурилиш материаллари» компанияси жамоаси «Қува-Ойемент» жамиятининг соҳиб раҳбари **Худойберган Қосимовнинг ҚОСИМОВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Ўзбекистон миллий телерадиоканалининг жамоаси «O'zbekiston телерадиоканали» давлат унитар корхонаси «Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий энциклопедия» муҳарририятини ходими **Модхара Абдулсатторовани** турмуш ўртоғи **Исроил АБДУЛСАТТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институтини раҳбарияти ва бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси Органик кимё ва АОСТ кафедраси инженери **Наима Мирзахмедова** ва падари **бузуққорни НУРМАТ** отаниши вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Теннисчимиз кейинги босқичда

Шу кунларда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида «Guangzhou International Women's Open — 2009» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Унда юртимизнинг номдор ракетка усталиридан бири Оқғул Омонмуродова ҳам иштирок эта-япти. Турнирнинг биринчи даврасида ҳамюртимиз япониялик спортчи Рики Фудживаруни 6:3, 6:2 ҳисобиди мағлубиятга учратди. Энди у кейинги босқичга чиқиб учун Шахар Пее (Исроил) ва Катрин Верле (Германия) баҳси глобини мағлубиятга учратиши лозим.

«Guangzhou International Women's Open — 2009» халқаро турнирининг мукофот жамғармаси 220 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Санкт-Петербург шаҳрида ITF таснифига кирувчи халқаро турнир яқундан. Қувонарлиси, унда қатнашган ҳамюртимиз Важа Узақов финалгача етиб борди.

Мусобақа давомида қўли рақиблар устидан ишончли галабани қўлга киритган Важа ҳал қилувчи беллашувда меъзонлар вақили Евгений Кирилловга имкониятни бой берди.



Фазлидин АБИЛОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибига келган кўлаемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғиев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпиев.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мухассис — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза яқуни — 20.30
Топшириқда — 21.40

1 2 3 5